



“ТАЪЛИМ” ВА “ТАРБИЯ” ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА УЧРАЙДИГАН СЕМАНТИК ЖАРАЁНЛАР ВА УНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Юсуфалиев Элёржон Машрабович “Мактабгача ва бошланғич
таълимда инглиз тили” кафедраси ўқиитувчиси**

Қўқон давлат педагогика институти

Аннотация

Мақолада таълим ва тарбия терминларини таъминловчи лексик бирликларнинг терминология билан фонетика, морфология, синтаксис каби функционал қуи тизимлар ўртасида алоқалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: термин; терминология; атама; тил услуби; нутқ услуби; концептуал; лексик; семантик; генетик; грамматик.

Термин “муайян халқнинг ижтимоий ҳаётини, моддий ва маънавий тараққиётини таъминловчи восита, ижтимоий кураш қуроли, таълим-тарбия воситаси бўлган адабий тил атамаси (ва тушунчаси) нинг мавжуд талқинларига тўлиқ мос келади. Оммани, миллий маданият, шунингдек, жаҳон илм-фани ва техникаси ютуқлари билан танишириш маданият ва билимларни олға силжитиш учун биргаликдаги коллектив ижодий фаолият воситаси ҳисобланади” [1, 288-289 бетлар]. Терминологияни адабий тил лексик тизимининг қуи тизими сифатида кўриб, терминология билан фонетика, морфология, синтаксис каби функционал қуи тизимлар ўртасида алоқаларни ўрнатиш зарур. Эътибор беринг: 1) терминларнинг сўз ясалиши, асосан умумий тил қонунларига бўйсунади; 2) маҳсус матнларда атамаларнинг морфологик ва синтактик моделларининг ишлаши бадиий матнлардаги умумий сўз ва ибораларнинг ўхшаш моделларининг ишлашидан статистик жиҳатдан фарқ қиласди; 3) маҳсус матнларда терминлар билан бирга умумий сўзлар ҳам хизмат қиласди. Инсон ижтимоий фаолиятининг турли “бўлаклари”га хизмат қилувчи “тил механизми”нинг турли бўлимлари фаолият табиатининг тил услуби ва нутқ услуби терминлари билан яхши таърифланади. Терминлар ва терминологияга лингвистик ёндашиш уларнинг жамиятдаги ўринини аниқлашни тақозо этади. Тил тизими, семантик ва



грамматик тузилиши, замонавий фан, техникада оптимал қўлланиш усули ҳисобланади. Мана шу ва бошқа муаммолар терминологиянинг предмети бўлиб, турли тиллардаги терминологияларнинг семантик табиати, грамматик ташкил этилиши ва амал қилиш қонуниятларини ўрганувчи фан тармоғидир. Инсон касбий фаолият соҳалари, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг коммуникатив жараёнидир. Терминология - шахс касбий фаолиятининг маълум бир соҳаси билан боғлиқ бўлиб, концептуал, лексик-семантиқ, сўз образларида бир-бири билан боғлиқ терминлар мажмуи шу билан бирга генетик ва грамматик даражалари ҳамдир. Терминология тилнинг ишлаб чиқариш, техник, илмий ва ижтимоий-бошқарув услублари асосида маҳсус касбий мулоқотни амалга оширишни таъминлайдиган адабий тил луғатининг куи тизими сифатида қаралади. Ушбу терминнинг лугавий маъноси терминни шахс касбий фаолиятининг маҳсус тушунчаси ёки обьекти (предмети) билан боғлайди. Фан ва техниканинг ҳар бир соҳа термини маҳсус касбий тушунчани ифодалайди ёки илмий-техникавий алоқа нуқтаи назаридан касбий предметни номлайди; бадиий асарларда ёки кундалик мулоқот нуқтаи назаридан бу термин кундалик тушунчани ёки умумий фикрни ифодалайди. Терминологияда учрайдиган семантик жараёнлар умумий лингвистик хусусиятга эга, лекин улар умумий тилдан фарқли равишда ривожланади. Терминларни боғлайдиган семантик муносабатлар умумий мантиқий (жинс - тур, қисм - бутун, ассоциация), лекин муносабатлар ҳар доим маълум бир терминологиянинг ўзига хос шартлари билан боғланганлиги индивидуалдир. Терминларда сўз ясалиши бир хил қонунларга бўйсунади ва, умуман, сўз ясалиши бир хил моделлар билан бошқарилади. Терминларнинг морфологик хусусиятлари бутун тил учун бир хил бўлган грамматик қонунларга бўйсунади.

Қизиғи шундаки, бошқа тиллардан таржима қилишда оддий сўзлар, баъзан мураккаб сўзлар, шунингдек, иборалар каби турли хил вариантлардан фойдаланилади. Бу давр олимлари асарларида от билан қўлланган олд қўшимчалар инкор ясовчи но-, бе- префикслари энг сермаҳсул хусусиятга эгалиги аҳамиятлидир. Бу каби ҳосила сўзларга мисоллар ҳозирги адабий

тилнинг терминологик қатламида жуда кўп учрайди. Асосан, ўзбек тилида бир қатор префиксlar мавжуд, аммо турли хил тарихий даврларнинг илмий асарлари таҳлили шуни кўрсатадики, феъл префикслари энг кўп ишлатилган ва бошқа префиксlar билан тузилган ҳосила сўзлар, асосан, бадиий услугга тегишилидир. Профессионал соҳа манбаларида улардан фойдаланиш астасекин камаймоқда. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда немис тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам термин ҳосил қилувчи префиксlar танлаб таҳлил қилинади. Аффиксларни кўриб чиқиб, уларнинг вазифаларини белгилаб бўлгач, айрим ишланмалар ва илмий изланишлар якунида префиксларнинг унумдорлик даражасига қўра белгилари берилган: *билимли, билимсиз, билимдон*. Айниқса, ўзбек ва немис тилларида сўз ясашнинг аффикс воситаларининг умумий ва фарқловчи белгилари, шунингдек, таълим соҳасига оид ўзига хос семантик категория ва терминлар гурухларини ифодаловчи воситалар таҳлил қилиниб, аниқланган. Бу йўналишда сўз ясовчи қўшимчалар ўртасидаги синонимик вазифалар муносабатининг бевосита намоён бўлиши сўз ясовчи компонент ва воситаларнинг асосий кўрсаткичи ва атрибути эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Юқорида таъкидланганидек, ҳозирги ўзбек адабий тилида сўз ясалиш конструкциялари ўртасидаги синонимик характердаги муносабатлар нисбатан кам ривожланган. Бироқ немис тилида бу турдаги конструкцияларнинг семантик турлари доирасида кенгайтирилган синонимия, ўзбек ва немис тилларида полилексем терминларда намоён бўлади.

Луғат таркибидаги фан ва техника соҳаларида ишлатилувчи сўзлар терминлар деб, уларни ўрганувчи соҳа эса **терминология** дейилади. Бундай сўз-терминлар нутқда кўпинча экспрессив бўёққа эга бўлмайди. Экспрессив бўёққа эга бўлиши ва бўлмаслигига қўра сўзлар тасниф қилинади. Экспрессив бўёққа эга бўлмаган сўзлар нейтрал сўзлар дейилади. Бундай сўзларга келмоқ, истамоқ, китоб, қалам каби кундалик ҳаётда қўлланувчи сўзлар киради. Экспрессив бўёққа эга бўлган сўзлар стилистик маънода қўлланган сўзлар деб ҳам аталади. Бундай сўзларга ой, кун, чашма, қош, ер, назар ташламоқ, чехра каби сўзлар киради. [3, 524.бет]

Ўзбек тилида педагогика терминология тизимида туб терминлар қатори дериватив терминларнинг ҳам роли салмоқлидир. Туб терминлар ўзбек ва немис терминологиясининг барча шаклланиш ва ривожланиш босқичларида кўзга ташланади. Хусусан: таълим (*Bildung*), *тарбия* (*Erziehung*), *мактаб* (*Schule*), *дарс* (*Stunde*), *ҳис* (*Gefühl*), *имтиҳон* (*Prüfung*), *шахс* (*Person*), яшии (*gut*), ёмон (*schlecht*), эгри (*gebogen*), тўғри (*gerade, aufrecht*), баҳл (*neidisch*), *иффат* (*Keuschheit*), *роҳам* (*Vergnügen*) каби туб терминлар деярли барча терминологик системалар учун хосдир.

Ўзбек тилида ясама терминларнинг салмоғи терминологияда яхши ривожланган бўлиб, у бунда катта ўрин эгаллайди. Ясама терминлар морфологик, синтактик ва семантик йўл билан хосил бўлишилиги билан умумлексикадан фарқланмайди.

Аффиксация усули тилшуносликда термин ясашнинг энг маҳсулдор усули бўлиб, бу усул ўзбек тилида таълим ва тарбия терминларини ясашда ҳам етакчилик қилган.

Таълим ва тарбияга оид терминларни ясашда морфологик, синтактик ҳамда семантик усуллар ўта сермаҳсул ва фаол бўлиб, буларнинг ёрдамида педагогиканинг терминологик таркиби ривож топиб келмоқда.

Ўзбек тили терминларининг аксариятини мотивланган, яъни сўзтерминлар (кўшимчалар билан ясалган), термин-кўшма сўз, терминбирикмалар ҳамда семантик (асосан метафорик) кўчим асосида хосил қилинган терминларни ташкил этади. Шу билан бир қаторда, терминларнинг салмоқли қисми мотивланмаган, яъни ўзбек тилининг ўз содда сўzlари, ўзлашмалар, термин-калкалар ва антропонимлардан метонимик кўчим воситасида воқеланган [2, 54.бет].

Ҳ. Дадабоев ўз қўлланмасида сўз туркумлари нуқтаи назаридан ўзбек тили терминологияси асосан от, сифат, равиш ва феъл сўз туркумларига хос сўзлардан иборат эканлигини таъкидлайди. Олимнинг таъкидлашича, от-терминлар ўзбек терминологиясининг пойдеворини ташкил этади. Айни пайтда, сифат туркумiga алоқадор сўзларнинг ҳам терминологик лексика таркиби тараққиётидаги ўрни салмоқли эканлигини ҳам ёддан чиқармаслик



лозимлигини уқтиради. Феъл-терминлар ҳам ўзбек терминологиясида сезиларли улуши борлигини таъкидлайди [1, 54.бет].

Ўзбек ва немис тилларида таълим-тарбия терминлари морфологик усул билан ясаш, умумадабий тил лексик бирликларини ҳосил қилишда сўз ясовчи қўшимчалар ҳамда сўз ясовчи моделлар ёрдамида амалга оширилиши тилшуносларга маълум.

Аффикслар орқали ясалган от туркумига мансуб термин (турдош от) лар.

1. От (сифат) туркумли сўзлардан ясалган терминлар.

-чи аффиксли сўз ясовчи модел ёрдамида турғун бирикмали шахс оти, иш - ҳаракатни бажарувчи, бирон касб билан шуғулланувчи, ижтимоий мансублик каби маъноларни ифодаловчи отлар ҳосил қилинади.

чи аффикси ёрдамида ясалган таълим ва тарбия билан шуғулланадиган шахсларни ифодаловчи терминлар: *тарбиячи, тингловчи, ўқувчи, ёрдамичи, тадқиқотчи, услубчи, ва х.к.*

-лик аффиксли сўз ясовчи модел. Ушбу қолип ўзбек тилида ўта сермаҳсул сўз ясовчи моделлардан бири бўлиб, унинг қўмагида нафақат соғ ўзбекча (туркий), балки ўзлашма сўзлардан ҳам қўйидаги турдаги оттерминлар ҳосил қилинади:

белги - хусусият, сифат ёхуд ҳолатни ифодаловчи педагогик от-терминлар: *илмийлик, ўзлаштирганлик, ўқиганлик, уқганлик, билимлилик, креативлик, адолатлилик, фидойилик, аҳмоқлик, сергаплик, одоблик, безбетлик, амалпарастлик, дарслик, кўргазмалик. ва х.к.;*

шахснинг касб -хунари, бирор нарсага мойиллиги, машғулот тури, хизмат жойи, мақоми каби маъноларни ифодаловчи от-терминлар: *ўқитувчилик, лаборантлик, студентлик, деканлик, проректорлик, асисентлик, мудирлик, ректорлик, ва х. к.;*

Таълим ва тарбияда муайян воқеа-ҳодиса қўринишни англатувчи от-терминлар: *болалик, ҳомийлик, васийлик ва х.к.*

-сиз + лик: *уқувсизлик, тарбиясизлик, адолатсизлик, тажрибасизлик, ишсизлик, иффатсизлик, малакасизлик, ва х.к.;*



-дош + лик: мактабдошилик, ўриндошилик, сиифдошилик, қариндошилик, курсдошилик ва ҳ.к.;

-мас+лик: қизиқмаслик, ўқимаслик, ўрганмаслик, кўниkmаслик, хохламаслик ва ҳ.к.;

-чан+лик: ишчанлик, яратувчнлик, кўникувчанлик, сезувчанлик, яшовчанлик, ўзгарувчанлик ва ҳ.к.;

-ли+лик: чидамлилик, билимлилик, маданиятлилик, илмлилик, маърифатлилик, уқувлилик, фазилатлилик ва ҳ.к.;

-*(и)*ш+лик: ривожланишилик, ўқишилик, бажаришилик, адашишилик, чалкашилик, ва ҳ.к.;

-бон+лик: меҳрибонлик, ва ҳ. к.;

-вор+лик: улугворлик, тантанаворлик ва ҳ.к.;

-гар+лик: жавобгарлик, даъвогарлик, извогарлик ва ҳ.к.

-дор+лик: айбдорлик, гумондорлик, ва ҳ.к.;

-каш+лик: сусткашилик, тарафкашилик, меҳнаткашилик ва ҳ.к.;

-кор (-гор, -кар) +лик: фидокорлик, гуноҳкорлик, ҳамкорлик омилкорлик, касбкорлик ва ҳ.к.;

-парвар+лик: талабапарварлик, ўқитувчи парвалик, мансабпарварлик, миллатпарварлик, камбагалпарварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, етимпарварлик, юртпарварлик ва ҳ.к.;

-парат+лик: илмпаратлик, баҳопаратлик мансабпаратлик, шахсиятпаратлик, ақидапаратлик, миллатпаратлик, ва ҳ.к.;

-хон+лик: достонхонлик, газетахонлик, навоийхонлик, китобхонлик ва ҳ.к.;

-шунос+лик: терминшунослик, ўлкашунослик, тупроқшунослик, тилишунослик, руҳшунослик, диншунослик, ҳуқуқшунослик, қонунишунослик, матнишунослик, ва ҳ.к.

Юқорида келтирилган далилий мисолларга асосланиб, билдирилган муроҳазалардан келиб чиқсан ҳолда таъкидлаш жоизки, *от (сифат) + лик//лик* модели мавҳум маъноси билан ҳозирги ўзбек адабий тилда, хусусан, педагогик терминлар ясалишида жуда сермаҳсул ва фаол ҳисобланади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Виноградов В.В. Избранные труды. История русского литературного языка. – М., 1978. – С. 288-297.
2. Dadaboyev H. O'zbek terminalogiyasi. – Toshkent Universitet, 2019. – Б. 54.
3. Yusufaliev E.M. INTERACTION OF LEXICAL SEMANTIC GROUPS IN THE TERMINOLOGICAL VOCABULARY OF THE LANGUAGE. - GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ)ISSN (E): 2347-6915Vol. 10, Issue 12, Dec.(2022)
4. Mashrabovich, Yusufaliev Elyorjon. "THE DEGREE OF ANTHROPOCENTRICITY OF TERMS RELATED TO EDUCATION AND UPBRINGING IN TERMINOGRAPHIC RESEARCH." American Journal of Interdisciplinary Research and Development6 (2022): 174-177.6.
5. Юсуфалиев Элёржон Машрабович, ТЕРМИНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ АНТРОПОЦЕНТРИКЛИК ДАРАЖАСИ. Vol. 3 No. 6 (2022).
<https://bilig.academiascience.org/index.php/isepsmj/article/view/6397>.
6. Yusufaliyev, Elyorjon. "TA'LIMGA OID PEDAGOGIK TERMINLARNING LINGVISTIK TADQIQI." Журнал иностранных языков и лингвистики2.6 (2021).
7. Yusufaliyev, Elyorjon. "TA'LIMGA OID PEDAGOGIK TERMINLARNING LINGVISTIK TADQIQI. "Журнал иностранных языков и лингвистики2.6 (2021).
8. Yusufaliyev, Elyorjon. "TA'LIMGA OID PEDAGOGIK TERMINLARNING LINGVISTIK TADQIQI."Журнал иностранных языков и лингвистики2.6 (2021).